

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ҚАДИМИЙ МЕЪМОРИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗ ВА МИЛЛИЙ БЕЗАКЛАР УЙҒУНЛИГИДА БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 20 октябрь куни Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюриб, бу ердаги экспозициялар орқали халқимизнинг бой тарихий ва маънавий меросини кенг намойиш этишга қаратилган ишлар билан танишди.



Мазкур улкан ва ноёб лойиҳа давлат раҳбарининг 2017 йил 23 июндаги қарорига асосан бошланган. Кўп ўтмай, 2018 йилги Рамазон ҳайити куни унинг пойдеворига тамал тоши қўйилган эди. Ўтган даврда бу ерда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Марказ қадимий меъморий анъаналаримиз ва миллий безаклар уйғунлигида барпо этилди. Иншоотнинг тўрт томонида баландлиги 34 метрли пештоқлар, ўртада эса 65 метрли миллий услубдаги гўмбаз қад ростлаган.

Иншоотнинг марказий қисмида Қуръони карим зали жойлашган. Бу ерда мусулмон оламининг ноёб маънавий дурдонаси саналган қадимий Ўсмон Мусҳафи намойиш этилади. Шунингдек, сомониёлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, темирийлар ва бошқа сулолалар даврига оид муқаддас китоб нусхалари, уларнинг эски ўзбек тилидаги таржималари, шу билан бирга, жаҳондаги энг нодир қўлёзма Қуръонлардан намуналар ҳам жой олади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан чет элларда сақланган тарихимиз ва улугъ алломаларимиз

мероси билан боғлиқ қимматли манбалар ва ашёлар Вағанимизга қайтарилди.

Марказ таркибиде 460 ўринли анжуманлар зали ҳам қуриб битказилган бўлиб, халқаро миқёсдаги учрашув ва илмий анжуманларни ўтказиш учун барча замонавий шарт-шароитлар яратилган.

Мажмуада “Исломдан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс”, “Иккинчи Ренессанс”, “Ўзбекистон XX асрда” ҳамда “Янги Ўзбекистон — янги Ренессанс” бўлимлари ташкил этилган. Бу ерда буюк алломаларимиз фаолияти ҳақида маълумотлар, хусусан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридид, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа уламолар мероси ҳам кенг ёритилган.

Шунингдек, тарихимизда илму маърифат ва маънавият ҳомийси бўлган Бибиҳоним, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отин каби мўътабар зотлар фаолияти ҳам алоҳида экспозиция сифатида намойиш этилган.

Давлатимиз раҳбари доимо марказнинг илмий-маърифий йўналишини самарали ташкил этиш, унинг мазмун-моҳиятини бойитиб бориш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Бу борада Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси, Имом

Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридид номдаги илмий марказлар билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Ташриф чоғида Президентимиз залларда амалга оширилаётган пардозлаш ва жиҳозлаш ишларини кўздан кечирди, бўлимлар ва кўрғазмаларнинг мазмун-моҳияти, қўлланилаётган интерфаол технологиялар билан яқиндан танишди.

Давлатимиз раҳбари экспонатларни маҳаллий ва хорижий ташриф буюрувчиларга ҳар томонлама қизиқарли ҳамда тушунарли қилиб тақдим этиш муҳимлигини таъкидлади. Шу мақсадда марказда фаолият юритадиган мутахассис ва гидларнинг сонини кўпайтириш, уларни махсус дастурлар асосида тайёрлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Марказ фаолиятини мазмунан янада бойитиш, экспозициялар орқали халқимиз маънавий ва илмий меросини тўлиқ намойиш этиш бўйича қатор тавсиялар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, таълим ташкилотларида ўзбек тилини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, унинг софлигини сақлаш ва мунтазам бойитиб бориш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини кенгайтириш мақсадида қарор қиламан:

1. Асосий мақсадлар

1. Куйидагилар давлат тилини янада ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

а) мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш;

б) таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомил-

лаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

в) давлат тилининг софлигини сақлаш ва унинг луғат бойлигини мунтазам ошириб бориш;

г) давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, бу борада сунъий интеллект имкониятларидан унумли фойдаланиш;

д) давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

ж) мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва эллатлар вакиллари ҳамда хориждаги ватандошларимизнинг давлат тилини ўрганиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

► Давоми 2-бетда

Одри АЗУЛЕ:

“САМАРҚАНДА БИЗ ТАЪЛИМ, МАДАНИЯТ ВА ФАН ТИЛЛАРИДА ГАПЛАШАМИЗ”

ЮНЕСКО БОШ ДИРЕКТОРИ “ДУНЁ” АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Шу йилнинг 31 октябрь-13 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси бўлиб ўтади.

ЮНЕСКОнинг асосий йиғилиши сўнгги 40 йил ичида биринчи марта Париждан ташқарида бўлиб ўтади. Ушбу қарор ташкилотнинг таълим, илм-фан ва маданият соҳасидаги мақсадларини илгари суришда Ўзбекистоннинг роли ортиб бораётганини эътироф этиш ва халқаро ҳамжамият ишончининг тасдиғидир.

Бундай нуфузли форумнинг Самарқандда ўтказилиши нафақат Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигининг юксак даражаси, балки мамлакатнинг глобал гуманитар кун тартибини шакллантиришда фаол иштирок этишга интилишининг рамзи ҳамдир.

Ушбу тарихий воқеа олдида ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле “Дунё” АА



учун берган эксклюзив интервьюсида ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги жадал ривожланиб бораётган ҳамкорликни юқори баҳолади.

► Давоми 2-бетда

Буюк ўзбек йўли

ИНСОН МАНФААТИ ВА ҚАДРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛДИГА ҚЎЙГАН ҚАТЪИЙ МАҚСАДИ МОҲИЯТИ ШУНДАН ИБОРАТ

Президентимизнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувидеги нутқи менда катта таассурот қолдирди. Нутқда келтирилган фикрлар, таклиф ва ташаббуслар “Инсон қадри учун” тамойили асосида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар таҳлили юзасидан мулоҳаза юритишга ундади. Чунки бугун кўз ўнгимизда рўй бераётган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар, янгиликлар, янгиликлар, бунёдкорлик жараёни, ободлик, фаровонлик ўз-ўзидан бўлиб қолмапти. Бунинг ўзига хос тарихи, босқичи, жараёни бор. Ҳозир эса барчамиз ана шу ишлар, саъй-ҳаракатлар самарасидан баҳраманд бўляпмиз. Яъни юқорида келтирганимиз — аввалдан мақсад сифатида қўйилган “ҳеч нарса инсон қадричалик муҳим эмас”, деган сиёсий тутум амалда натижасини қўрсатмоқда. Бунга тан олмасликнинг иложи йўқ. Чунки ҳаёт тарзимиз, атрофимиздаги ўзгаришлар бунга йўл қўймайди.



Оқилонга сиёсат муаммолар ечими бўлди

Фикримни бир мисол билан бошласам. Президентимиз мазкур учрашувдан бир кун аввал Тошкент вилоятида янги халқаро аэропорт лойиҳаси тақдироти билан танишиб, мазкур улкан мажмуа қурилиши бошланishiга бағишланган маросимда иштирок этди. Маросимда Саудия Арабистонидан ташриф буюрган йирик инвестор — “ACWA

Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайян ҳам сўзга чиқиб, юртимиздаги ислохотларга юқори баҳо берди. Халқаро доирада таниқли йирик сармоядорнинг “Сизлар сўнгги саккиз йилда яқин ҳамкорликда амалга оширган ишларни бошқа мамлакатлар асрлар давомида ҳам бажара олмаслигини бугун фақат бу ерда тўпланган иштирокчиларга эмас, балки бутун дунёга намоян эдингиз.

► Давоми 3-бетда



Янги Ўзбекистон руҳи

ГЛОБАЛ ТАШАББУСЛАР: ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯСИ БИЛАН ИСЛОҲОТЛАР ҲАМОҲАНГЛИГИ

Ўзбекистонда жаҳон даражасидаги йўл инфратузилмаси барпо этиш кўп жиҳатдан Президентимиз илгари сурган глобал ташаббуслар билан уйғунлашмоқда. Халқаро ҳамкорлик ва транспорт-логистика соҳаларидаги ўзгаришлар янги Ўзбекистон имкониятларини намоян этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ислохотлари юзлаб халқларнинг тараққиёти ва маданий ривожланишида улкан хизмат қилган Буюк ипак йўлини қайта тиклаш ташаббуси сифатида мамлакатимизнинг Шарқ ва Ғарб, Европа ва Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий хаб сифатидаги мавқеини тиклашда муҳим ўрин тутди.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистоннинг жуғрофий нуқтани назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар

ўрнатгани маҳаллий халқнинг иқтисодий ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган.

► Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

II. Республикада давлат тили имкониятларидан самарали фойдаланишга эришиш

2. 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини тақомиллаштириш концепциясини 2025-2026 йилларда амалга ошириш дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2026 йил 1 январдан бошлаб республика даражасидаги давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларининг марказий аппаратларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасини Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликларида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони доирасида раҳбарнинг маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилсин.

4. Мактабгача ва мактаб таълими вазири Олий таълим, фан ва инновациялар вазири билан биргаликда 2026 йилдан бошлаб:

а) таълим қардош тилларда олиб борилган умумий ўрта таълим таъкилотлари учун ўзбек тилини ўргатиш бўйича дарсликларнинг даврийлиги асосида янги авлодини яратсин;

б) мактабгача таълим таъкилотларида ўзбек тилини ўргатиш бўйича педагоглар учун ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқсин;

в) мактабгача таълим ёшдаги болалар учун “Менинг ilk изоҳли лугатчам” расмли лугат китобини яратсин;

г) болаларга ўзбек тилини ўргатиш бўйича замонавий анимацион видео ва аудио махсулотлар ишлаб чиқилишини таъкил этсин.

5. Фанлар академияси:

а) 2026 йил 1 июнга қадар кўп жилдли “Ўзбекистон миллий қомуси”ни электрон шаклда тайёрлаш ва эълон қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2026 йил 1 декабрга қадар “Она тили. Қомус” китобининг нашрга тайёрланиши ва чоп этилишини таъминласин.

6. Давлат тилининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш борасида:

а) Рақамли технологиялар вазири, Олий таълим, фан ва инновациялар вазири, Фанлар академияси манфаатдор вазирик ва идоралар билан биргаликда 2026 йил 1 майга қадар ўзбек тилини сунъий интеллект ёрдамида қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган платформа ишлаб чиқиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазири 2025 йил 1 декабрга қадар:

и) янги қабул қилинаётган атамалар бўйича жамоатчилик муҳокамасида билдирилган таклиф, фикр ва тавсияларни қайд этиб борувчи;

ii) тасдиқланган янги сўз ва атамаларни ўзида акс эттирадиган электрон реестрни юритувчи;

iii) ўзбек тилида чоп этилган соҳавий, изоҳли ва имло лугатларини ўзида жамлаш ва фойдаланиш учун мўлжалланган электрон платформани яратиш бўйича илмий лойиҳага таллов эълон қилсин.

III. Давлат тилининг соғлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ҳамда илм-фан тили сифатида нуфузини ошириш

7. Хар йили октябрь ойида:

а) Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазири, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси ўзбек тилининг дунё тиллари ўртасида тутган ўрни ва халқро нуфузини оширишга қаратилган халқаро илмий-амалий конференцияни;

б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазириги мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётган чет эллик талабалар ўртасида:

и) ўзбек тили бўйича республика олимпиадасини;

ii) “Ўзбек тили — қалбим таржмони” кўрик-танловини юқори савияда таъкил этсин;

в) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазириги манфаатдор вазирик ва идоралар билан биргаликда ўзбек тилини ривожлантиришга қаратилган энг яхши илмий, ижодий, амалий ишларни қўллаб-қувват-

лаш мақсадида “Жонажон ўзбек тили” танловини;

г) Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари вазирик ва идоралар билан биргаликда умуммиллий диктант лойиҳасини;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда вазирик ва идоралар 21 октябрь Ўзбек тили байрами кунига бағишланган маданий-маърифий, адабий тадбирлар, янги китоблар тақдимотларини;

ж) Мактабгача ва мактаб таълими вазириги:

и) умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўзбек тили мавзусида иншолар танловини;

ii) ўзбек тили фани ўқитувчилари ўртасида “Йилнинг энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси” республика танловини ўтказсин.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазириги Олий таълим, фан ва инновациялар вазириги, “Ватандошлар” жамоат фонди билан биргаликда ҳар йили Алишер Навоий номидаги халқро ўзбек тили олимпиадасини ўтказиб борсин. Бунда олимпиада голибларини республика олий таълим муассасаларининг “филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили ва адабиёти” таълим йўналишига умумий қабул квотасидан ташқари давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш йўлга қўйилсин.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазириги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг ҳудудий бўлинмаларида мамлакатимиздаги олий таълим таъкилотларида тахсил олаётган ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эллик талабаларни улар ўқиётган олий таълим таъкилотлари маблаглари ҳисобидан ўзбек тилига бепул ўқитиш курсларини таъкил этсин.

10. Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита:

а) 2026 йил давомида ўз маблаглари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар вакиллари учун ўзбек тилига ўқитиш курсларини кенгайтириш;

б) Ташқи ишлар вазириги, “Ватандошлар” жамоат фонди ва манфаатдор вазирик ва идоралар билан биргаликда “Ватандошлар” жамоат фонди маблаглари ҳисобидан хорижий давлатлардаги ўзбек диаспора таъкилотлари ҳузурида ватандошларнинг фарзандларига ўзбек тилини ўргатишга ихтисослашган ўқув марказлари таъкил этишга қўмаклашиш, уларни зарур ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ёшлар ишлари агентлиги уч ой муддатда ўзбек тилини бошқа миллат ва элатлар вакиллари, хориждаги ватандошларнинг фарзандларини, ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқароларини ўқитиш мақсадида “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси билан ҳамкорликда алоҳида сунъий интеллект ёрдамида ўзбек тилини ўргатиш модулини ишга туширсин. Бунда ўзбек модулини яратиш учун харажатлар Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан амалга оширилиш назарда тутилсин.

IV. Қарор ижросини таъкил этиш, таъминлаш ва назорат

12. Адлия вазириги уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришни ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали таъкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазириклар ва идоралар раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.



Бошланиши 1-бетда

У ЮНЕСКО ваколатининг асосий йўналиши бўлган маданий меросни асраб-авайлаш, таълимни ривожлантириш, илм-фанни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш борасида эришилган улкан муваффақиятларни алоҳида таъкидлади.

— Бош директор хоним, бу йил ЮНЕСКО ўзининг 80 йиллигини нишонламоқда. Таъкилот тарихидан қандай муҳим сабоқларни олиш мумкин деб ўйлайсиз ва нега унинг мандати бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда?

— Кўп қирралиликка тобора кўпроқ эътибор қаратилаётган бугунги дунёда бу парадоксал равишда ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб бормоқда. Глобал муаммолар — иқлим ўзгаришлари ва моҳаролардан тортиб, янги технологиялардаги ўзгаришларгача ҳеч бир давлат ёлғиз ҳаракат қила олмаслигини эслатиб туради. Бундай пайтда одамлар айниқса заиф бўлиб қолади. Ва биз ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик орқали уларни ноанқилқидан ишончли тарзда ўтиш, янада барқарор ва тинч келажакни қуриш учун зарур бўлган билим ҳамда кўникмалар билан руҳлантиришимиз мумкин.

ЮНЕСКО 80 йил давомида сифатли таълимни илгари суриш, маданий меросни муҳофазга қилиш, илмий ҳамкорлиқни ривожлантириш ва ахборотдан фойдаланишни таъминлаш каби вазифалар ажралмас бўлиб қолаётганини исботлаб келмоқда. 1945 йилдан буён дунё тубдан ўзгарди, аммо ЮНЕСКОни таъкил этишга илҳом берган қадриятлар — мулоқот, ўзаро

“Самарқанднинг маданий бойлиги ҳақиқатан ҳам улкан: Регистон майдонининг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган ёдгорликларидан тортиб, фан, санъат ва адабиёт маркази сифатидаги тарихий ролигача Самарқанд турли маданий таъсирларнинг уйғунлигини ўзида мужассам этган.

ҳурмат ва халқро ҳамжиҳатлик мураккаб глобал воқеликни йўлга қўйишимизга ёрдам берадиган компас бўлиб қолмоқда.

— Ўзгарувчан халқро муҳитда ЮНЕСКОнинг мулоқот, ўзаро тушуниш ва маданий хилма-хиллиқни ривожлантиришдаги ролини қандай баҳолайсиз?

— ЮНЕСКО ўз ваколатининг барча соҳаларида — таълим, маданият, илм-фан ва ахборотда хилма-хиллиқни одамлар, жамоалар ва мамлакатлар ўртасида ўзаро тушунишни кучайтирувчи манба сифатида кўради. Биз одамларда фарқларга қарамай, ҳурмат билан муносабатда бўлишга имкон берадиган қадриятлар, билим ва кўникмаларни мустаҳкамлашга интиламиз.

ЮНЕСКО ўз дастурлари ва маданий конвенциялари орқали умумий меросни тушунишга ёрдам беради ва чегаралар бўйлаб мулоқотни ривожлантиради. ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган кўп миллатли объектлар сони ортиб бораётгани бу жараёни

яққол акс эттиради. Масалан, 2018 йилдан буён 67 та кўп миллатли элемент номоддий маданий мерос рўйхатига киритилди.

Ўзбекистон бу умумий ишимизга фаол ҳисса қўшмоқда. Масалан, Ипак йўлининг Зарафшон — Қорақум йўлига ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилиши, шунингдек, саккизта маданий элементнинг бошқа давлатлар билан биргаликда эътироф этилиши меросининг маданиятлар ўртасидаги кўприкка айланиши мумкилигини кўрсатади.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон халқро майдонда ўз иштирокини сезиларли даражада мустаҳкамлади. Мамлакатда рўй бераётган янгилинишлар ҳамда уларнинг минтақа ва жаҳон ҳамжамияти учун аҳамияти хусусидаги фикрларингиз ҳам биз учун муҳим.

— Ўзбекистоннинг халқро миқёсдаги фаоллиги ортиб бораётгани мамлакатнинг мулоқот ва ҳамкорликка интилишидан далолат беради. Бу кўп томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш зарур бўлган бир пайтда, айниқса, муҳимдир. Бу сазй-ҳаракатлар нафақат минтақавий бирдамликка садоқатни, балки халқро ҳамкорлик муҳимлигини англашни ҳам намойиш этади.

Туризм барқарор тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилга айланди. 2024 йилда мамлакатингизга 8 миллиондан ортқ хорижлик сайёҳ келди ва бу



сининг 43-сессиясига мезбонлик қилиш тўғрисида қабул қилинган тарихий қарор билан яқунланган ҳамкорлигимиз қанчалик ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этишдан мамнунман.

Маданият ҳамкорлигимизнинг асоси бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг номоддий маданий меросини муҳофазга қилиш тўғрисидаги конвенциясида фаол иштирок этмоқда. 2024 йилда мамлакатингиз ташаббуси билан икки маданий элемент — Рубоб яшах ва ижро этиш санъати ҳамда минтақадаги 13 давлатни бирлаштирган Наврўз байрамни нишонлаш анъаналари Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди. Ўша йили Ўзбекистон Креатив иқтисодиёт бўйича IV Бутунжаҳон конференциясига мезбонлик қилди ва бу билан мамлакат маданиятга барқарор ривожланиш омилли сифатида алоҳида эътибор қаратаётганини яна бир қарра тасдиқлади.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлигимиз касбий таълимни қўллаб-қувватлаш, сув ресурсларини бошқариш ва инклюзив бошқарувни, хусусан, ахборотдан фойдаланиш ва медиа саводхонлиқни ривожлантиришни ўз ичига олади. 2022 йил ноябрь ойида Тошкентда ЮНЕСКОнинг эрта ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича II Бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур форум эрта таълим бўйича глобал кун тартибдаги муҳим босқич бўлиб, келгусидаги ҳамкорлик учун пойдевор яратди.

қабул қиладиган муҳим паллада бўлиб ўтади. Яъни ЮНЕСКОнинг Самарқанд форуми келажакка муҳим қадм бўлади.

Биз Ўзбекистон Президентига ва барча ўзбекистонлик ҳамкорларимизга ушбу тарихий воқеани амалга оширишга кўрсатган кўмаги, садоқати, меҳмондўстлиги ва қўллаб-қувватлагани учун чуқур миннатдорлик билдираимиз.

— Самарқанд йирик халқаро анжуманлар марказига айланиб бормоқда. Сизнингча, нима уни глобал мулоқот учун жозибадор ва салоҳиятли манзил сифатида танитмоқда?

— Қадимий Ипак йўлининг Ғарбий Европа ва Шарқий Осиёни туташтирувчи чорраҳасида жойлашган Самарқанд минг йиллар давомида товарлар, гоьлар ва маданиятлар алмашинуви учун учрашув жойи бўлиб хизмат қилган. Бу уни халқро форумлар учун табиий майдонга айлантиради.

Самарқанднинг маданий бойлиги ҳақиқатан улкан: Регистон майдонининг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган ёдгорликларидан тортиб, фан, санъат ва адабиёт маркази сифатидаги тарихий ролигача Самарқанд турли маданий таъсирларнинг уйғунлигини ўзида мужассам этган.

Самарқанд ўз тарихи давомида қўллаб ижодкорларга илҳом манбаи бўлиб кел-

гани ва бадий руҳи билан машҳур. Бу хилма-хиллик ва алмашинув учун очиқ бўлган маданиятларнинг табиий чорраҳасидир. Буларнинг барчаси уни мулоқотни давом эттириш ва ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини белгилаш мумкин бўлган йирик халқро форумлар учун муҳим майдонга айлантирмоқда.

— Самарқандда ўтадиган Бош конференциядан жаҳон ҳамжамияти учун керак бўлган асосий янгиликлар нима деб ўйлайсиз?

— Бўлинишлар мулоқотга соя солиши мумкин бўлган даврда мазкур анжуман келажагимиз ўзаро бoғлиқ эканини эслатиб туриши керак. ЮНЕСКО Бош конференциясининг хабари аниқ бўлиши шарт: умумий мерос ва жамоавий билим бу — биз тинчлик ва барқарор ривожланишни барпо этишимиз мумкин бўлган пойдевордир. Самарқандда биз таълим, маданият ва фан тилларида гаплашамиз.

ЮНЕСКОнинг роли айнан моддий ва номоддий меросни ҳимоя қилиш, таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлашдан иборат.

— Бош котиб хоним, мазмунли сўхбат учун раҳмат ва Самарқандда бўлиб ўтадиган форум ишига муваффақият тилаймиз. — Раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 20 октябрь

“Дунё” АА



ИНСОН МАНФААТИ ВА ҚАДРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛДИГА ҚЎЙГАН ҚАТЪИЙ МАҚСАДИ МОҲИЯТИ ШУНДАН ИБОРАТ



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
академик

Бошланиши 1-бетда

Чиндан ҳам бундай улкан натижаларга дунёдаги бирорта етакчи шундай қисқа муддатда эришмоғи жуда қийин. Президент Жаноиб Олийлари, мен аввал ҳам таъкидлаб айтганман: бу даражада катта ўзгаришларни амалга оширган етакчиларнинг икки нафарини биламан. Биринчиси — Сиз, Жаноиб Олийлари, иккинчиси эса — Саудия валиаҳди, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ҳазрати Олийларидир”, деган гаплари мен қатори барча юртдошларимиз кўнглида катта ғу-рур уйғотгани аниқ. Негаки сармоядор ушбу сўзлари орқали давлатимиз раҳбари сиёсатига, шу билан бирга, янги Ўзбекистон ислохотларига, танлаган йўлига муносиб баҳо берди. Юртимиздаги ўзгаришлар халқаро доирада ҳам эътироф этилаётгани катта гап, катта шараф, албатта.

Инвестор, шунингдек, Ўзбекистонда қўлга киритилаётган ютуқлар давлатимиз раҳбарининг ўз ишига бўлган буюк ишонч-эътиқоди ва фидокорона меҳнати, ватанимизга чексиз меҳр-муҳаббати самараси эканига алоҳида урғу берди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар хусусида гап кетганда, охириги саккиз йилда қилинган ишлар алоҳида тилга олинayпти. Бу мақола, китоб, маъруза учун ёки ўзаро учрашув ва мулоқотларда айтиладиган шунчаки гап эмас. Бу — ҳаёт-тўй ҳақиқат. Чунки ўтган вақт ичида ён-атрофимизда шунчалик кўп ўзгаришлар рўй бердики, уларнинг самарасини барчамиз кўриб, бил-либ турибмиз, ҳаётимизда, танимизда ҳис қилипмиз. Ваҳоланки, аскарият янги-ликларни илгари имконсиз деб билганмиз. Бирор ўзгаришга қўл урсак, тескари таъсир кўрсатишдан қўрққанмиз гўё. Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувиغا киришган илк пайтлардаёқ сиёсий ирода кўрсатиб, бирор ташаббусни ўртага ташласа, “нахотки шундай қилиш мумкин?”, “бунинг имкони бормикан?”, дея ишончсизлик билдирганлар ҳам бўлди.

Жумладан, конвертация масаласини олайлик. Айтиш керакки, айни шу масала иқтисодиётимиз ривожига тушов бўлаётган энг асосий омиллардан бири эди. Валюта чеклови тадбиркорнинг эркини жиловлаб турарди. Инвестор бекордор, ўзаровчан ва чекланган валюта муносабатлари боис, юртимизга киришга шошилмас эди. Табиийки, бу иқтисодиётимизга салбий таъсир кўрсатарди.

Энди эса ҳолат бошқача. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар туфайли саккиз йилда иқтисодиётимизга 130 миллиард доллар инвестиция кириб келди, минглаб янги қувватлар ишга туширилди, миллионлаб доимий иш ўринлари яратилди. Хусусий секторга кенг йўл очилиб, чин юракдан ишлайман деган одамларга муносиб меҳнат шaroити яратиб берилгани туфайли жон бошига даромад 3,5 минг долларга етди.

Пахта етиштириш ҳам ўта ташвишли жа-раён эди. Айни ҳозирги кунларда, яъни пахта ҳосилини йиғиб-териш мавсумида каттаю кичик, ёшۇ қари далада бўларди. Жараёнга, айниқса, мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари,

олийгоҳ талабалари, профессорлари оммавий жалб қилиниши ўқишни орта суриши бир томон, иқтисодиётимизга таъсири бир томон эди. Яъни пахта етиштирамиз-у, уни дунё бозорига халқаро нархларга мос сота олмаимиз. Сабаб — Ўзбекистон пахтаси халқаро талаблар доирасида эмас, болалар ва мажбурий меҳнат асосида етиштирилади... Хуллас, хомашёмиз бор, муносиб харидор йўқ. Халқаро бозорга қиролмаймиз. Шу маънода, пахта биз учун ортиқча машмаша эди. Даромадидан харажати бaлaнд экин тури эди. Иқтисодиётимизга, демакки, ҳаётимизга нафи кам эди пахтанинг.

Учрашувда давлатимиз раҳбари ушбу масалага алоҳида тўхтади. “Бир эслаб кўринг, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш узок йил-лар биз учун энг оғриқли масала бўлиб келган эди. Фақат кучли ирода, қатъий позициямиз орқали биз бу мураккаб муаммони ижобий ҳал қилдик.

Янги Ўзбекистоннинг инсонпарварлик тамойилларига содиқ эканини кўрсатадиган бу ўзгариш ижтимоий ҳаётимизда мутлақо янги саҳифа очмоқда. Мамлакатимизнинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича илгор тажрибаси Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан намуна сифатида бошқа давлатларга тавсия этилгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзбек пахтаси дунёдаги кўплаб нуфузли бренд компанияларнинг “қора рўйхати”дан чиқарилди. Cotton campaign ташкилоты Ўзбекистонга қўйилган тақийқни бутунлай бекор қилди. Европа Иттифоқи

2024 йилда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш, томорқа ва деҳқончилик учун ажратилган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўрилган чоралар камбағаллик даражасини пасайтиришга катта ҳисса қўшгани қайд этилди. Бунинг натижасида бир йил давомида аҳолининг реал даромади 10,7 фоиз ўсди. Аҳолининг иш ҳақидан даромади эса 2023 йилдагига нисбатан 12,9 фоиз кўпайгани аён бўлди.

Ўзбекистонга ушбу сиёсий тузилма давлатлари бозорига имтиёзли кириб бориш имконини берадиган GSP+ тизимини тақдим этди. Миллий махсулотларимиз учун 26 та янги бозор очилди, Европада экспортимиз 5 карра ошиб, 1,5 миллиард долларга етди”, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари нутқида.

Саккиз-тўққиз йил тарих учун жуда қисқа вақт. Лекин иш пухта режа билан қилинса, моҳият, мақсад аниқ бўлса, шу давр ичида ҳам асрларга татигулик ўзгаришларга эриш-са бўлади. Мен ҳозир янги Ўзбекистон даврида амалга оширилаётган ишларни шундай деб биламан. Юқорида келтирилганларимиз қисқа муддат ичида эришилган муваффақиятларга айрим мисоллар, холос. Ваҳоланки, бундай ишлар сони ҳам, салмоғи ҳам, аҳамия-тию мазмун-моҳияти ҳам жуда кенг. Булар ортидан илгари имконсиздек туюлган ишлар амалга ошди. Одамларнинг асрий орзулари ушалди. Ўзбекистон дунёга, дунё Ўзбекис-тонга очилди.

Айни пайтда Ўзбекистонда Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда муно-сиб меҳнат бўйича 2030 йилгача мўлжаллан-ган дастур ишлаб чиқилаётгани ҳам фикри-миз тасдиғи. Нега деганда, бундан кўзланган асосий мақсад ҳам меҳнат соҳасида инсон қадрини ошириш, барча фуқаролар учун адолатли ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратишдан иборатдир.



Муносиб меҳнат учун муносиб шароит

Янги Ўзбекистоннинг инсонпарвар сиёсати яна нималарда намоён бўлади? Бу, албатта, одамлар билан ишлаш жараёнида, уларга муносиб меҳнат шaroити яратиб беришда яққол билинади. “Инсон қадрини учун” тамойили янги Ўзбекистондаги ушбу йўналишдаги ишларда ўз аксини топгани, қутил-ганидан аъло даражада самара бераётгани билан аҳамиятли. Президентимиз ушбу тамойилни илгари сувар экан, бунинг учун, аввало, нима қилиш кераклигини ҳам аниқ кўрсатиб берди. Хусусан, давлат идоралари эшиклари халқ учун, одамлар учун очилди. Нафақат очилди, давлат орган-лари вакилларининг ўзи халқ ичига кириб борди. Уларнинг ҳаётини ўз кўзи билан кўр-ди, танишди, мулоқот қилди, эшитди, таклифларини тинг-лади. Аёллар, ёшлар ва бошқа ижтимоий дафтарлар юри-тидди. “Маҳалла еттичилиги” фаолияти йўлга қўйилди. Пи-ровардида нанкин худудлардаги камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди, балки маҳал-лабай, хонадонбай, сўнг ҳар бир фуқаро билан индивидуал ишловчи тизим туфайли юртимизда ишсизлик, камбағалликни камайтиришда сезиларли ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Яъни инсон қадрини юксалиб, ҳар бир ишда унинг манфаати бирламчи вазифа сифатида юзага чиқди. 2024 йилда Ўзбекистонда камбағал-лик даражаси 11 фоиздан 8,9 фоизга тушди. Жорий йил бошига келиб бу ҳақда Жаҳон банки томонидан маълумотлар тарқатилди.

Тахлилда яна бир қанча рақамлар ҳам акс этди. Яъни 2024 йилда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, тадбиркор-ликка жалб қилиш, томорқа ва деҳқончилик учун ажратилган ер майдонларидан фойда-ланиш самарадорлигини ошириш бўйича

қўрилган чоралар камбағаллик даражасини пасайтиришга катта ҳисса қўшгани қайд этилди. Бунинг натижасида бир йил давоми-да аҳолининг реал даромади 10,7 фоиз ўсди. Аҳолининг иш ҳақидан даромади эса 2023 йилдагига нисбатан 12,9 фоиз кўпайгани аён бўлди.

Шу каби имконият ва шарт-шaroитлар туфайли бугунги кунда 6 миллионга яқин аҳоли ўзини ўзи иш билан банд қилиб, рўзгор тебратмоқда. Ҳозирги вақтда одам-лар дастурчи, веб-дизайнер, хунарманд, так-си ҳайдовчиси, курьер каби ўнлаб касблар-да платформали иш билан бандлик асосида ишламоқда. Кўплаб фуқаролар, айниқса, хо-тин-қизлар масофадан туриб меҳнат қилиш-ни ўрганди. Маҳаллалар драйвер соҳаларга ихтисослаштирилиши эвазига 1,5 миллион оила ўз хонадонида ишлаб, даромад олмақда.

Ислохот қачонки амалда натижа кўрсат-са, ислохот ҳисобланади. Яъни унинг сама-раси одамлар турмушида намоён бўлиб, ҳар ким ўз меҳнатидан манfaat кўрса фойдала-ди. Бўлмаса у қуруқ гап сифатида қозғода қолиб кетаверади. Янги Ўзбекистондаги ислохот-лар эса бундай эмас. Гап айтилдики, бирор режа қилинмиши, ижроси, албатта, таъмин-ланади. Бизда ҳар бир иш ана шу қонда асо-сида бажарилгани туфайли бугун самараси ҳар жабҳада яққол сезилмоқда. Жумладан, 2023 йилдан биринчи марта минимал истеъ-мол харажатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Янгиланган Конституциямиз-да пенсия, нафақа ва ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Иқтисодий қатъий барқарор ўсish аҳоли турмуш фаровонлигини шунга мослашти-ришни тақозо этади. Шу боис, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори ҳар йили кўпай-тириб бориляпти.

Президентимиз учрашувда ушбу масала-га ҳам алоҳида эътибор қаратиб, бу борадаги



ишларни янада такомиллаштириш зарур-лигини қайд этди. “Очиқ айтиш керак, бу масалалар кўпинча бир томонлама, яъни давлат идораларининг ҳисоб-китоби ва таклифи билан ҳал қилинмоқда. Шу боис, келгуси йилдан меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорига оид қонунчилик ҳуж-жатлари лойиҳасини ишлаб чиқишга Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама республика комиссиясини ҳам жалб қилсак, ўйлайманки, бу жуда тўғри бўлади. Бу — меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорини белгилашда ҳодим-лар манfaatли қафолатли ҳимоя қилиш бўйича янгича ёндашув бўлади”, деди дав-латимиз раҳбари.

Нутқда инсон қадрини, унинг ҳаёт сифати фақат иш ҳақи билан эмас, балки ижтимо-ий муҳит билан ҳам белгиланиши айтилди. Бунинг учун ҳодимларни уй-жой, сифатли таълим, тиббиёт ва транспорт хизматлари билан қафолатли таъминлаб, энг муҳим ҳаёт-ий эҳтиёжларига етадиган даромад топи-шига шaroит яратиб бериш зарурлиғи қайд этилди. Бу янги Ўзбекистонда ҳар бир ишчи, яъни ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила сифатли ҳаёт кечирishiини таъминлашга нечоғлиқ эътибор қаратилаётганига яна бир исбот бўлди. Бинобарин, сифатли ҳаёт сифатли таълим, сифатли таълим эса ёрқин келажак дегани. Бундай иш тутуми кўп йиллар таъ-лим соҳасида фаолият юритаётган шахс, илм аҳли вакили сифатида мени янада руҳлан-тирди, албатта.

Илм — келажакка энг яхши сармоя

Маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 25 фоиздан кўпроғи ёшлар. Ўзбекистонда эса ёшлар жами аҳолининг ярмидан зиёдини ташкил этади. Бу айни пайтда мамлакатимиз-да таълим-тарбия, илмга ҳар қачондиган юқори даражада эътибор қаратиш зарури-лигини аналтади. Шундай бўляпти ҳам. Чунки сўнгги йиллардаги ислохотлар мақсади айни шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларда яққол кўзга ташланмоқда. Охириги етти йилда бош-қарув кадрлари таркиби анча эшириб, 40 ёш-гача бўлган раҳбарлар улуши 37 фоиздан 65 фоизга ошгани ўсишининг энг муҳим жиҳат-ларидан бири инсон капитали эканига яққол мисол бўлади. Айнан инсон капиталига эга бўлиш ва ундан самарали фойдаланиш мам-лакат маккеини миллиондан ортиқ меҳнат кучи кириб келишини инобатга олсак, бу иш учун ўта муҳим ва долзарб вазифадир. Шу жиҳатдан олганда, бугунги кунда юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида бажарилаётган ишлар диққатга сазовор. Жумла-дан, ўтган йили ёшларимиз “ТОП-500” та-лик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади. Бугунги кунда 30 йигит-қиз дунёдаги “ТОП-10”, 500 нафари “ТОП-100” ва 1 минг 500 нафари “ТОП-300”дан жой олган нуфузли универ-ситетларда таҳсил олмақда. Ёшларимизнинг бошқа соҳаларда қўлга киритаётган ютуқла-ри кам эмас. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг ёшларга

қарата “Биринчи ва Иккинчи Ренессансини буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатини сизларга бер-моқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳа-ларда мамлакатимиз байроғини бaлaнд кўта-ришга қодирсиз. Сизлар — янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратади-ган олтин авлодсиз”, дея айтган гаплари бу-гунги сиёсатимизга нечоғлиқ мос келишини тушуниш қийин эмас. Яъни ёшларга сифат-ли таълим-тарбия бериш, хорижий тилларни ўргатиш, касб эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин топишга қўмақлашиш давлатимизнинг асо-сий вазифасига айланган. Ушбу йўналишда-ги ишлар тўхтамаслиғи, изчил давом этти-рилиши мақсади Президентимизнинг жорий йил Ёшлар кунини муносабати билан бўлиб ўтган мулоқотда айтган фикрларида яна бир қарра ўз аксини топди. Хусусан, миллий дас-тур асосида ҳар йили энг салоҳиятли 3 минг ўқувчи тaнлaниб, Гарвард, Йель, Колумбия, Корнель каби нуфузли олийгоҳларга тайёр-ланади. Шундан камида 300 нафари эҳтиёж-манд оила фарзандлари бўлади.

Шунингдек, энди “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан “ТОП-300” талик олийгоҳга кирганларнинг ўқш ва яшаш харажатини қоплаш тизими янги тартибда йўлга қўйилмоқда. Бу орқали, энг аввало, илм-фан, технология, муҳандислик ва мате-матика, энергетика, транспорт, урбанизация, архитектура, қурилиш, қишлоқ ҳамда сув ҳўжалиғи каби драйвер соҳалар учун квота-лар оширилади. “ТОП-300” талик олийгоҳга кирган ёшларга банклар томонидан 20 минг долларгача имтиёзли кредитлар ажратилади.

Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича банк-молия, соғлиқни сақлаш, қиш-лоқ ҳўжалиғи ва энергетика устувор йўна-лиш сифатида белгиланиб, 100 та лойиҳа амалга оширилади. “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури ишга туши-рилади.

Олийгоҳлар ўртасида стартаплар бўйича ҳар йили “Энг яхши креатив ғоя” танлови ўтказилиб, голибларга олийгоҳ жамғарма-сидан 300 миллион сўмгача грант берилди.

“Янги Ўзбекистоннинг ёшларга оид сиёсатини халқаро ҳамжамият ҳам кенг эътироф этаётгани эса янада қувонарли. Яъни шу давр ичида Ўзбекистон БМТнинг “Ёшлар — 2030” стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторидан жой олди. Ёшлар тараққиёт индексида мамлакатимиз бу борада энг тез сурьатлар билан ривожланаётган давлат деб топилди.

Бугун Ўзбекистон ёшларига янги тарих яратадиган олтин авлод нисбати берилаётгани бежиз эмас. Чунки яратилаётган шaroит, берилаётган имконият, тақдим этилаётган қулайлик уларни шундай авлод бўлишга ундайди ва амалда кўзланган мақсадга эришил-ляпти ҳам. Мана шуниси, яъни ислохотларга муносиб бўлиш муҳим. Бу катта масъулият ҳам. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ёшларимизнинг ҳар бир муваф-фақияти биз учун куч-қудрат, мамлакатимиз келажакга таъян. Бугун фарзандларимиз за-монавий йўналишларни эгаллаб, анча илгари-лаб кетаяпти. Уларни қўллаб-қувватласак, сифатли таълим бериб, шaroит яратсак, бун-дан ҳам катта натижаларга эришадим.

Мамлакат тараққиёти шу юртда униб-ўсган инсонларга боғлиқ. Шу маънода, янги Ўзбекистонда замонавий таълимга қаратилаётган эътибор, илм аҳлига эҳтирор шиддат билан ривожланиб бораётган рақо-батли дунёга рақобатли, малакали, иродаси мустаҳкам, янги даврга мос кадрларни юзага чиқаришга хизмат қилаётгани билан янада катта аҳамият касб этади. Бу янги Ўзбекис-тонда “Инсон қадрини учун” тамойили асо-сида кечаётган ислохотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири. Сўнгги саккиз йилда одамларнинг ҳақ-ҳўқуқини ҳимоя қилиш, муносиб иш жойи билан таъминлаш, даро-мадини ошириш, турмуш шaroитини, янги оилалар генофондини яхшилаш, ёшларнинг илм олишини таъминлашга қаратилган ул-кан ишлар бунинг яққол тасдиғи. Натижа-да ҳар бир юртдошимиз, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқармоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувдаги нутқида “Инсон қадрини учун” деган эзгу ғоя бундан буён ҳам янги Ўзбе-кистондаги ислохотларнинг устувор йўна-лишларидан бири бўлиб қолишини алоҳида таъкидлади. Бундан қўринадики, биз кўз-лаган марра сари янада илдам, дадил қадам ташлайверамиз. Бу йўлдаги ҳар бир одим мамлакатимиз тараққиёти ва одамлар ҳаёт-и-даги ўзгаришларда ўз аксини топаверади.

ГЛОБАЛ ТАШАББУСЛАР:

ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯСИ БИЛАН

ИСЛОҲОТЛАР ҲАМОҲАНГЛИГИ

Музаффар КОМИЛОВ,
Ўзбекистон халқаро
исломшунослик
академиyasi ректори,
Халқаро ICESCO ташкилоти
Ижройи кенгашининг аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Шу боис, янги Ўзбекистондаги кенг кўламли ислохотлар жараёнида транспорт ва логистика соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Транспорт ва логистика соҳасини ривожлантириш стратегияси доирасида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ягона транспорт сисъати концепцияси ишлаб чиқилиб, транспорт тизимини рақамлаштириш ва экологик талабларга мослаштириш ишлари бошланди. Транспорт-логистика ва янги минтақалараро савдо йўллари тўлиқ очиш стратегик аҳамиятга эга бўлиб, Марказий Осиё мамлакатларини Хитой, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа бозорлари билан боғлайди.

Ўзбекистон қадимдан цивилизация марказларидан бири бўлган. Бу борада унинг ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўли бекиёс ўрин тутган. Турли минтақалардаги халқларни ўзаро боғлаган қадимий йўл нафақат савдо-иқтисодий, балки давлатлар ва қитъалар ўртасидаги ахборий ва маданий мулоқотни таъминлаган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда транспорт инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш тизими жадал ривожланмоқда. Масалан, 2020 йилда йўловчи ташиш ҳажми 5,3 миллиард кишини ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб, бу кўрсаткич 6,9 миллиардга етди. Темир йўл тармоқлари узунлиги 4669 километрдан 4850 километргача ўзайди, автомобиль йўллари эса умумий ҳисобда 42 минг километрдан ортиқни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичлар мамлакатда ички ва халқаро транспорт алоқалари кенгайиши, хусусан, ташқи савдо йўналишларида логистика харажатини қисқартиришга хизмат қилмоқда.

Транспорт инфратузилмаси ривожланиши, ўз навбатида, туризм соҳасида ҳам юқори ўсishi суръатини таъминламоқда. 2020 йилда мамлакатта бор-йўли 1,5 миллион сайёҳ келган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 10,2 миллионга етди, яъни беш йилда қарий етти баробар ўсди. Туризмдан тушадиган даромад 679 миллион АҚШ долларида 3,5 миллиард долларгача ортиб, Ўзбекистонни минтақадаги етакчи туризм давлатларидан бирига айлантирмоқда.

Энг диққатта сазовор жиҳати, бу сайёҳларнинг асосий қисми зиёрат учун келади. Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Қарши, Термиз, Хива, Марғилон, Тошкент каби

шаҳарлар ислом маданиятининг марказлари сифатида бутун дунёга донг таратган. Ислom илми ва маърифатини юксак чўққига кўтарган буюк аждодларимизнинг мақбаралари муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилган. Тарихнинг турли давларида, айниқса, Соҳибқирон Амир Темуr ва теурийлар даврида буюк алломаларнинг ёдгорлик мажмуалари барпо этилган.

Ўтган даврда улуг боболаримизнинг маънавий ва илмий меросини тиклаш, кенг тарғиб этиш, таваллуд саналарини халқаро миқёсда нишонлаш, зиёратгоҳларини ҳар томонлама обод қилиш бўйича улкан ишлар қилинди. Шу ўринда юртимиздаги улугвор зиёратгоҳ — Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси мисли кўрилмаган даражада обод бўлди. Ушбу маскандаги гўзал ва файзли манзарани кўриб, бутун Хартанг қишлоғини кишлоқ дейишга ҳам тил бормайди. Бу зиёратгоҳ бутун мусулмон оламнинг эътиборидаги ҳар томонлама обод масканга айланди.

Мамлакатимиздаги бундай ўнлаб мажмуалар, жумладан, Амир Темуr, Баҳроуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек, Имом Мотуридий, Хожа Ахрор валий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий ва яна бошқа кўплаб улуг аждодларимизнинг зиёратгоҳлари обод қилиниб, меросларини ўрганиш ва хотирасини абадийлаштириш каби хайрли ва савобли ишлар қилинди. Шу-нингдек, Самарқанддаги Шоҳи Зинда, Термиздаги Султон Саодат, Ҳаким Термизий, Имом Термизий, Шахрисабздаги Дорус саодат, Қаршидаги Кўкғумбаз, Хивадаги Ичан қалъа, Тошкентдаги Ҳазрати Имом каби тарихий комплексларни таъмирлаш, янгидан обод қилиш ҳам юксак даражада амалга оширилган.

Тошкент шаҳридаги Ислom цивилизацияси маркази эса бу жараёнинг мантиқий давомидир. Ушбу марказ фаолияти илмий-маърифий аҳамиятга эга бўлиш баробарида хорижий олимлар ва зиёратчилар ташрифини ҳам кескин оширмоқда. Ундаги электрон архивлар, кўлёмалар фонди, интерактив музейлар ва кўргазмалар нафақат мусулмон мамлакатларидан, балки Европа ва Осиёдан келаётган меҳмонлар учун ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу эса Тошкентни жаҳон маънавий туризми харитасидаги муҳим нуктага айлантирмоқда.

Бугун Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Қўқон ва Марғилон каби тарихий шаҳарлар нафақат маънавий мероснинг бекиёс хазиналари, балки иқтисодий ва транспорт марказлари сифатида ҳам қайта тикланмоқда. Хусусан, Шарқ ва Ғарбни боғлаган ягона логистика, транспорт ва савдо тизимини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда асосий устувор йўналишлар этиб темир йўл йўлаклари (Хитой — Қозғистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Туркия — Европа), автомобиль ва ҳаво йўллари ҳамда логистика марказлари тармоқлари белгиланмоқда.

Транспорт-логистика инфратузилмасининг асосий устуни ҳисобланган темир йўллари жаҳон даражасига чиқариш борасида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш керак. Хусусан, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли минтақавий савдо ва транзитнинг янги босқичи сифатида қайд этилмоқда. Шу маънода, мазкур йўл қурилиши барчага фойда келтиради. Ўзарo савдо ҳажмини оширади,

Жанубий Осиё бозорларига чиқиш имконини берувчи яна бир муҳим лойиҳа эканини ҳам таъкидлаш лозим. Темир йўл билан бир қаторда инфраструктуранинг “кичик қон томирлари” бўлган автомобиль йўллари соҳасида ҳам стратегик лойиҳа ва ташаббуслар амалга оширилмоқда. Зерo, бу борадаги ислохотлар ўларoқ, юртимиз орқали ўтаётган автомобиль йўллари маҳаллий ва минтақавий логистикада энг фаол сегментга



хизмат кўрсатиш билан боғлиқ янги иш жойларини очади, янги сайёҳларни жалб этади. Ушбу лойиҳанинг истиқболли эканини биринчи марта Марказий Осиёдаги автоташувчиларга тўғридан тўғри Хитойга чиқиш имконини берган “Қашғар — Ирқештон — Ўш — Андижон — Тошкент” автойўли ҳам кўрсатиб берди.

Давлатимиз раҳбари ҳар қандай ташаббусни кўп векторли ва диверсификация таъмоили орқали илгари суради. Бундай ёндашув ислохотларни бир томонлама ва халқаро майдондаги муҳитга боғлиқ бўлиб қолишдан асрайди. Хусусан, бу борада яна бир лойиҳа — Транскаспий халқаро транспорт йўлига Европа билан боғлиғининг стратегик йўли сифатида кўрилаётганини қайд этиш лозим. Бу лойиҳа тўлиқ ишга тушиши орқали бутун минтақа даражасида экспорт ва импорт нарҳини арзонлаштириш, юк ташиш тезлигини ошириш, транспорт харажатини камайтириш учун жуда қулай муҳит шаклланади.

Диверсификация ҳақида сўз бораркан, “Тошкент — Термиз — Мозори Шариф — Ҳирот” темир йўли Афғонистон орқали

айлиниб улгурди. “Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Туркманбоши” магистрал йўли айнан Транскаспий транспорт йўлагининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Шу-нингдек, замонавий қиёфа касб этаётган “Ўзбекистон — Тожикистон — Хитой” автомобиль йўли ҳам минтақавий иқтисодий алоқаларни фаоллаштирмоқда.

Янги давр муносабатлари ва йўллари ҳақида гап кетар экан, авиация ва ҳаво йўллари бу муносабатлар тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Зерo, ҳаво йўллари юқори технологияли, тезкор ва стратегик алоқа воситаси сифати дунё иқтисодининг энг муҳим бўғинига айланиб улгурган. Янги Ўзбекистон шароитида ҳаво йўллари янги Буюк ипак йўлининг тезкор ва стратегик тармоғи сифатида ислохотларнинг энг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Замонавий логистика тизимида ҳаво транспортни юқори қийматли товарлар ва тез етказиб бериш талабларини таъминлашда асосий устувордир.

Юртимизда охириги йилларда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Наманган

аэропортлари реконструкция қилинди. Улар нафақат йўловчи ташиш, балки қарго хизматларини кўрсатувчи замонавий марказларга айланди. “Uzbekistan Airways Cargo” фаолияти кенгайиб, мамлакатни минтақавий ҳаво логистика хабига айлантириш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Бинобарин, 2025 йил 15 октябрда тамал тоши қўйилган Янги Тошкент халқаро аэропорти ана шу катта режаларнинг амалий ифодаси саналади. Ушбу ташаббус нафақат транспорт-логистика масаласини ҳал этиш, балки Ўзбекистонни минтақавий авиахабга айлантириш йўлида муҳим қадам бўлиши кўзда тутилган. Бу инфратузилма орқали қадимий тарих, маданий алоқалар, анъанавий савдо-иқтисодий муносабатлар, халқлар ўртасидаги яқинлик ва узилган ришталар қайта тикланади.

Янги Тошкент халқаро аэропортининг қурилиши лойиҳасида Саудия Арабистонининг Vision Invest, Япониянинг Sojitz, Жанубий Кореянинг Incheon компаниялари қатнашмоқда. Лойиҳа борасидаги асосий вазифа Ўзбекистонни минтақавий авиахабга айлантириш ва транспорт инфратузилмаси интеграциясини кучайтиришидир.

Авиация комплексининг икки босқичда қурилиши белгиланди. Биринчи босқичда 2,5 миллиард АҚШ доллари сармоя билан терминал қурилиши режалаштирилган. Бу билан йиллик 20 миллион йўловчи ва 129

Янги аэропортнинг ишга тушиши иқтисодий жиҳатдан кенг кўламли самара бериши кутилмоқда. Мазкур йирик лойиҳа туфайли мамлакат иқтисодиётига 27 миллиард АҚШ доллари миқдориде инвестиция кириб келмоқда. Бу эса хизмат кўрсатиш, туризм ва саноат секторлари фаолиятини янада жонлантириб, минглаб янги иш ўринлари очилишига сабаб бўлади.

Саудия Арабистони, Япония ва Жанубий Корея каби кучли ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳа Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширади. Янги стратегик шериклар билан алоқалар яхшиланади.

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан эса аҳоли, айниқса, ёшлар учун янги имкониятлар очилмоқда. Кўп сонли лойиҳалар ва инфратузилма қурилишлари туфайли меҳнат бозорида юз минглаб иш ўрни ва хизматлар очилди. Бу лойиҳаларнинг тўла ҳажмда амалга оширилиши мамлакатимизда туризмнинг янада ривожланиши ва маданий алмашувнинг фаоллашувига олиб келади. Хунармандчилик ва хизмат кўрсатиш соҳалари кўпроқ даромад кўради.

Мазкур глобал ташаббус ва ислохотлар маҳаллий даражада ҳам давом эттирилмақда. Зерo, бу улкан ислохотлар, аввало, халқимиз ҳаётини яхшилашга хизмат қилиш зарурлиги белгиланган.

Аҳоли сони ортиб, ҳудуди кенгайиб бораётган Тошкент шаҳрида транспорт тизимини тақомиллаштириш ва йўл инфратузилмасини ривожлантириш долзарб масаладир. Шу боис, ҳозир пойтахтимизда замонавий йўллар, кўприклар, пиёдалар ўтиш жойлари барпо этилмоқда, мавжудлари эса замон талабларига мос равишда реконструкция қилинмоқда.

Шу йўналишдаги йирик лойиҳалардан бири Шота Руставели кўчасининг Миробод кўчасидан Чоштепа кўчасигача бўлган қарийб 7 километрли қисмида қилинган реконструкция ишларидир. Мазкур йўл пойтахтнинг бир нечта туманларини боғлайдиган муҳим транспорт артерияси бўлиб, унинг қайта қурилиши нафақат йўловчилар, балки ҳайдовчилар учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Янги тизимга кўра, йўл 10 та қатнов қисмидан иборат бўлиб, шуларнинг 6 тасида автомобиллар, 2 тасида автобуслар ҳаракатланади. Қолган 2 йўлак эса вақтинчалик тўхташ учун мўлжалланган.

Энг муҳими, кўчада илк бор замонавий BRT тизими жорий этилди. Бу жамоат транспорти учун махсус ажратилган йўналиш бўлиб, унда автобуслар тез ва хавфсиз ҳаракатланади. Президентимиз ушбу лойиҳанинг самарадорлигини шахсан кўздан кечирди. Автобўса юриб, йўловчилар билан суҳбатлашди ва жамоат транспорти тизимидаги қулайликларни юқори баҳолади.

Реконструкция лойиҳасининг умумий қиймати 19,2 миллион доллар бўлиб, натижада йўловчи ташиш ҳажми соатида 2500 дан 6000 гача ошиди. Йўлнинг ўтказувчанлиги ҳам суткасига 40 минг автомобилга етказилди. Шу билан бирга, ҳаракат тезлиги соатида 23 километрдан 30 километргача оширилди.

Мутахассислар фикрича, мазкур лойиҳа туфайли транспорт тизими самарадорлиги ошиши билан бирга хавфсизлик даражаси ҳам сезиларли даражада яхшилانган, йўл-транспорт ҳодисалари камайган.

Инфратузилмани модернизация қилиш, транспорт тизимини рақамлаштириш ва логистик хаблар яратиш орқали Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини тўлиқ намoён эта олади. Янги Буюк ипак йўли нафақат товарлар айланмаси, балки халқлар дўстлиги, маданий ва маънавий яқинлик рамзи сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Бир манзил

Аҳоли ишончини оқлаш осон эмас. Буни Гулчехра опа маҳалла раислигига сайланган куниёқ ҳис қилганди. Бошида анча иккиланди. Ахир кўпчиликка бош бўлишнинг ўзи бўлмайди. Турли табиатли одамлар бор. Улар билан муомала қилиш мураккаб. Низоларга ечим топиш керак. Айрим оилаларга маслаҳат бериб, гоҳида яхши, баъзида қаттиқ гапиряшга тўғри келади. Ёшу қари, аввало, маҳалла раисига таянади.

Шундай юксак масъулятни зиммага олиш осон эмаслиги ҳақида кўп ўйлайди. Аммо шаштидан қайтмади. “Аҳоли ишонч билдирдим, албатта, оқлайман”, дея ишга киришди. Олдиға: “Истиқлол маҳалласини нафақат Муборак туманида, балки вилоятда энг намунали ҳудудга айлантираман”, деган мақсад қўйиб, ҳаракатни бошлаб юборди.

Аввалига аёл боши билан ҳудудни эълоий олмаслиги ҳақида гапирганлар бўлди. Айримлар ўзича вақтида бу ишни бошқага топшириш ҳақида маслаҳат ҳам берди. Лекин Гулчехра опа ҳеч бериға эътибор қаратмади. Ўз тажрибасига таянган ҳолда иш тутди. Ҳар кун ирта туриб, тун қоронғусига қадар

маҳаллани ўрганди. Одамларга яқин бориб, уларға қулоқ солди. Дардини эшитишга интиди. Қайси хонадонда етишмовчилик бўлса, бартафат этишга киришди. Ўрганишлари натижасида ишсизлик кўплиги, бунинг оқибатида камбағаллик келиб чиқатганини англади. Одамларда боқимандалик кайфияти

“ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА БЕРГАН

ВАЪДАМИН БАЖАРДИМ”

МУБОРАК ТУМАНИДАГИ МАҲАЛЛАНИНГ

ЯРМИ “ЯШИЛ” ЭНЕРГИЯГА ЎТДИ

юқори эканидан афсусланди. Шукрки, бундай масалаларни ҳал этиш учун давлатимиз барча имкониятларни яратиб берган. Қаҳрамонимиз ўша имкониятларни ишга солди.

“Маҳалла еттичилиги” билан хонадонларни хатловдан ўтказди. Жараёнда ҳар бир фуқаро билан суҳбатлашди. Улар билан яқиндан таниши, яшаш тарзи, даромад манбаи билан қизиқди. Ачинарлиси, кўп оилалар моддий таъминоти етарли бўлса-да, ижтимоий ёрдам оларкан. Бунинг олдини олишга киришди. Ҳақиқий ҳам таъминланганлар ижтимоий таъминот олишига имкон берди. Натижада бундай ёрдам олувчининг 260 нафаридан атиги 46 нафари қолди. Ким ҳам шунчаки келиб турган пулдан воз кечади, дейсиз? Таъминотдан бебаҳра қолганлар норози бўлиб, шикоят қилишни кўпайтирди. Энди уялиб қолади деб

ўйлашганди. Аммо опа ҳар бирининг даромад манбаини кўрсатиб, шикоятчиларнинг юзини шувут қилди. Шундан сўнг бошқа биров ариза кўтариб қолмади. Балки вақтини меҳнат қилишга сарфлайдиган бўлди.

Кейинги режа камбағалликни қисқартириш эди. Аввало, маҳаллани “яшил” энергияга ўтказиш мақсад қилинди. Бунинг ўз уйидан бошлади. Бошида 2 киловаттлик куёш панели ўрнатди. Иккинчи-уч ой синовдан ўтказди. Фойдасини билгач, 5 киловаттлик панель ўрнатди. Энди хонадон тўлиқ куёш энергиясидан таъминлана бошлади.



Ой якунига бориб ҳисоблаб кўраркан, ачагина фойда кўргани маълум бўлди. Кейин қўшниси, бошқаларга бунинг афзалликларини тарғиб қилди. Яхши гап тез тарқалди, кўпчиликда қизиқиш пайдо бўлди. Аста-секин аҳоли куёш панели ўрната бошлади. Ўз истеъмолидан ортганини давлатга сотиб, даромад олиш эса кўпчиликка маъқул келди.

Маҳалламизда 568 та намунали уй бор, — дейди Гулчехра Жўраева. — Дастлаб шу хонадонларда куёшдан энергия олишга қизиқиш бўлди. Кейин бошқалар ҳам ўрната бошлади. Ҳозир 50 фойизга яқин хонадонда куёш панели бор. Жорий йил якунига қадар улар сафи яна ортади. Бундан ташқари, бир қанча тадбиркорлик объектлари “яшил” энергиядан фойдаланяпти.

Жумладан, ишбилармон Ўлмас Ойтуғдиев ҳам яқинда куёш панели ўрнатди.

— Илгари савдо дўконим ҳамда хонадонимга сарфланадиган электр учун бир ойда беш юз минг сўмдан ортиқ пул тўлардим, — дейди Ў.Ойтуғдиев. — Яқинда маҳалла фаоллари маслаҳати билан 15 киловаттлик куёш панели ўрнатдим. Ҳисоблаб кўрсам, анча фойдали бўлмоқда. Ҳозир харажатлардан қутулиш билан бирга ортиқча энергияни сотиб, қўшимча даромад топишман.

Айни қуналарда Истиқлол маҳалласи кўчалари бўйлаб юрган киши ҳар икки уйининг бирида куёш панели ўрнатилганини кўради. Гулчехра опанинг таъкидлашича, келгуси йилда “куёшли хонадон”лар янада кўпаяди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил вилоятимизга ташрифи чоғида фаоллар билан йиғилиш ўтказганди, — дейди Гулчехра опа. — Унда қатъий, Президентимизга йил якунига қадар маҳалламизда “яшил” энергиядан фойдаланувчилар сонини 50 фойизга етказаман дея ваъда бергандим. Айтганимдек, бугун бу натижага эришдик. Бу орқали нафақат энергия тежамкорлигига, балки оилалар даромади бўлишига замин яратдик. Натижада камбағаллик ҳам чекинди. Ҳозир маҳалламизда камбағал оилалар қолмади ҳисоб. Ишсизлик деярли бартараф этилди. Бунинг учун “маҳалла еттичилиги” бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қиляпмиз. Мақсадимиз — аҳолининг фаровон турмуши кечиришига эришиш.

Гулчехра опанинг тиниб-тинчимаслиги сабаб бугун ҳудудда бирорта томорканинг бўш ётганини кўрмайсиз. Ҳар бир оила бошиги билан ижтимоий шартнома тузиб, натижасини ўзи кузатиб бормоқда. Агар кимдир еридан унумли фойдаланмайдиган бўлса, чора кўриб, меҳнатсеварликча қорлаб келмоқда. Гоҳида ўзи бош бўлиб ер ағдариб, экишни ўргатади. Кимдир кўчада беқорчи ўтирганини кўрса, шу заҳоти дакки эшиттади. Мўҳими, етакчи опанинг ташаббуси билан маҳалла аҳлининг турмуши яхшиланиб, обод хонадонлар сони тобора кўпаймоқда.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



МИЛЛАТ ТАФАККУРИ ВА МАЪНАВИЯТ ТАЯНЧИ

Тил буюк аждоқларимиздан бизга бебаҳо мерос, миллат тафаккурининг асосий қуроли ва юксак маънавият ифодасидир. Инсоннинг ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, орзу-умидлари, қувончу ташвишлари айнан тил воситасида намоён бўлади. Тил орқали нафақат фикрлаймиз, балки борлиқни ҳис этамиз, ўзлигимизни англаймиз. Шу жиҳатдан она тили ҳар бир миллат учун муқаддас қадриятдир.



Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси

Дунёда етти мингга яқин тил ва лаҳжа мавжуд бўлиб, уларнинг фақат бир қисми-гина давлат тили мақомига эга. Ўзбек тили ана шундай кам сонли, шарафли макомга эга тиллар қаторида туради. Бу эса ҳар биримиз учун гурур манбаидир. Бугун дунё бўйлаб қарийб эллик миллион киши ўзбек тилида сўзлашади. Мазкур рақам она тилининг нафақат тарихий, балки демографик салоҳияти юқори эканини ҳам кўрсатади.

Ўтмишга назар ташласак, мустабид тузум йилларида ўзбек тилининг мавқеи камситилган, таълим ва иш юритишда рус тили устувор бўлганини кўрамиз. Ўзбек болаларига ўзбек тилида дарс ўтиш ноқулай деб ҳисобланарди. Ҳатто илмий муассасаларда, йиғилишларда ўзбек тилидан фойдаланиш хуш кўрилмасди. Шунинг учун ҳам 1989 йилда давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилиниши миллат руҳини кўтарган, тил шаънини тиклаган тарихий воқеа эди. Бу сана мустақиллик сари қўйилган дадил қадам, миллий ўзлигимизни тиклаш йўлидаги муҳим бурилиш нуқтаси сифатида тарихга кирди.

Сўнгги йилларда бу байрам нафақат расмий, балки умуммиллий маънавий аҳамият касб этган воқеага айланди. Ҳозир она тилимизни ривожлантириш ва унинг нуфузини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсати оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада янги босқични бошлаб берди. Унда давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун зарур шарт-шароитлар яратилиш, тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари белгилаб

берилди. Шунингдек, ўзбек тили байрамини нишонлаш бўйича қонун қабул қилиниши тилга ҳурмат ва эътибор давлат даражасига кўтарилганидан далолат.

Яқинда яна бир бор тарихий воқеага гувоҳ бўлдик. Жорий йилнинг 29 сентябрь куни давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан яна бир марта ўзбек тилида нутқ сўзлади. Бу нафақат мамлакатимиз, балки дунё бўйлаб яшаётган юртдошларимиз қалбини фахр ва гурур туйғуларига тўлдирди. Шу орқали ўзбек тилининг халқаро минбарлардаги нуфузи янада ошди.

Ҳа, бугунги кунда вазият бутунлай ўзгарди. Она тилимиз ривожига, соғлигини сақлашга, аҳоли орасида саводхонлик ва нутқ маданиятини оширишга катта эътибор берилляпти. Ўзбек тилида сўзлашувчи халқларнинг кўпчилиги, унинг туркий тиллар орасида иккинчи ўринда туриши ҳам тилимиз салоҳиятидан дарак. Дунёнинг кўпчилик университетларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитилаётгани, чет эллик олимлар томонидан ўрганилаётгани ҳам тилимизнинг халқаро нуфузини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, тил соҳасида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар бор. Айниқса, баъзи ёшлар ва юртдошларимиз орасида хорижий сўзларни ортинча аралаштириб сўзлашиш одати кучайиб бораётгани хавотирли ҳол. Бунини маданият ёки замонавийлик деб эмас, балки тилимизга безътиборлик деб баҳолаш лозим. Тилимиз гўзаллиги — унинг соғлиғида. Агар биз сўзларимизни, ибораларимизни йўқотсак, фикримиз ҳам ғариблашади.

Она тилимизни асраш ва ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири китоб мутлоасидир. Мумтоз адабиётлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, замонавий асарлар тилимиз хазинасини бойлатади, сўз бойлигимизни оширади. Абдулла Қодирӣ, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад ва миллатимизнинг бошқа зиёлилари асарларини ўқиш орқали гўзал сўзларни қайта кашф этамиз. Ҳар бир ўқилган китоб она тилимизнинг яна бир янги саҳифаси демаскидир.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари, реклама ва ёзувлардаги имло хатолари, чет тиллар таъсиридаги сўзлашув услуби каби масалаларга ҳам жиддий эътибор бериш зарур. Тил маданияти жамият маданиятининг кўзгусидир. Ҳар бир устоз, ота-она, раҳбар ўз тилида тўғри, раван ва гўзал сўзлаш орқали атрофдагиларга намуна бўлиши керак.

Она тилимиз миллатнинг руҳи, тафаккури ва маънавий устундир. Уни авайлаб-асраш, ривожлантириш ва келажак авлодларга соф ва бой ҳолда етказишга ҳар биримиз масъулмиз.

“Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا биноан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда ҳудудий бўлинмаларида ўзбек тилини ўрганиш истагидаги ўзга миллат вакиллари учун ўзбек тили курси фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг нуфузини ошириш, ривожлантириш ва кенг тарғиб қилиш борасидаги ишлар ҳар қачонгидан тизимли ва жадал бажарилляпти. Она тилимизга қизиқиш билдириб, ўрганаётган хорижликлар сафи кундан кун кенгайиб борапти.

Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا биноан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда ҳудудий бўлинмаларида ўзбек тилини ўрганиш истагидаги ўзга миллат вакиллари учун ўзбек тили курси фаолият юритмоқда. Мазкур курс бўйича Тошкент шаҳри, Фарғона вилояти ҳамда Туркияда машғулотлар ўтилмоқда. Хусусан, Фарғона вилояти ҳудудий бўлинмасидаги ўқув курсига Фарғона шаҳридаги Корея халқаро университети-нинг 16 раҳбар-ҳодими ҳамда талабалари жалб қилинди. Уларнинг 7 нафарига ўзбек тилини билиш бўйича турли даражадаги сертификатлар берилди.

Хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари учун малака ошириш курслари очилди. Ҳозир мазкур курслар орқали қўшни давлатлар, шунингдек, Россия, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея каби қатор мамлакатлардаги талабалар ҳамда хаваскорлар она тилимиз ва маданияти-мизни ўрганапти.



Шаҳло НОРАЛИЕВА,
Чимкентдаги Жумабек Ташенев номидаги университетнинг академик мобиллик бўлими бошлиғи (Қозғистон):

— Ўзбек тили менинг ҳам она тилим! Қайда бўлмай, ўзлимиз, гурурим у билан! Қозоқ халқида аjoyиб нақл бор: “Етти юртинг тилин бил, ўз тилингни ардоқла”. Биз, қозғистонлик ўзбеклар давлат тилини эъозлаб, рус тилида эркин сўзлашиб, чет тилини эгаллаган ҳолда бир неча асрдан бери қозоқ халқи билан ёнма-ён қондош, жондош бўлиб умргузаронлик қилиб келяпмиз. 140 та мактабда таълим ўзбек тилида юритилган синфлар мавжуд, “Алифбе”, “Ўзбек тили” ва “Ўзбек адабиёти” дарсликлари маҳаллий муаллифлар — олий тоифали тил ва адабиёт мутахассислари, услубчи-олимлар томонидан тайёрланган. Асосий фанлар бўйича дарсликлар ўзбек тилига таржима қилиниб, фарзандларимизнинг она тилида таълим олиши учун шароит яратилган.

Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синфлари мавжуд мактабларимизни педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида олий-гоҳимизда 2022 йили ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлаш бакалаврият таълим йўналиши ҳамда 2023 йилда Ўзбек тили ва адабиёти педагоглари тайёрлаш магистратура мутахассислиги очилди. Бу жараёнда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети жамоаси салмоқли ёрдам берди. Ўзбек

тили йўналишида таҳсил олаётган ёшларимизнинг тўлақонли билимга эга бўлиши, бадий китоблар билан таъминланишида “Ватандошлар” жамоат фондининг хизмати катта.

2025 йилда илк бор ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича Низоимий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети билан ҳамкорликда қўшма дастур очилди. Энди истаган талаба ҳар иккала университет дипломига эга бўлиши мумкин.

Маъмура МАМАТҚУЛОВА,
Истанбул университетининг ҳозирги замон туркий тиллар ва адабиётлари кафедраси ўқитувчиси:



— Илк талабаларим Ўзбекистоннинг русийзабон фуқаролари эди. У вақтлари Тошкентдаги тил ўқитиш марказида ишлар эдим. Талабалар орасида миллиати ўзбек бўлганлар ҳам бор эди. Улар жуда тиришқоқлик билан ўзбек тилини ўрганишга киришганди. Кейинчалик бошқа миллат вакиллари ҳам ўзбек тилини ўргата бошладим. Истанбул университетида турк тилида гаплашувчиларга ўзбек тилини ўқитиш давомида ўзим ҳам жуда кўп нарсга ўргандим. Дарсларда ҳар хил тушунчаларни изоҳлар эканман, тилимиз нақадар кенг ва серқирра эканига амин бўламан.

Ўзбек тилини чет тили сифатида ўқитиш ўқитувчидан талабанинг руҳиятини яхши билиш ҳамда ўзбек маданиятини тўғри тушуниришини талаб қилади. Дарс жараёнида матнлар билан чекланиб қолмай, ҳар хил қўшиқлар эшитамиз, бадий фильмлар томоша қиламиз.

Талабаларимиз Ўзбекистонни кўриш, ўзбек тилида гаплашиш учун табиий муҳитни ҳис қилишни хоҳлайди. Бу борада ҳам баъзи режаларни амалга ошириш ҳақида ўйлаяпмиз. Чунки ривожланган давлатлар қатори Ўзбекистоннинг ҳам халқаро нуфузи ортиши учун ўзбек тилини кенг тарғиб қилиш керак. Зеро, тил миллатни танитувчи, сайёҳларда қизиқиш уйғотувчи муҳим воситадир.



Оқибатхан ИСМАНОВА,
Ўш давлат университетининг Алишер Навоий номидаги ўзбек тили, адабиёти ва маданияти маркази директори:

— Қирғизистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош Боткен, Ўш, Жалолобод вилоятларида бир миллиондан ортиқ ўзбек яшайди. Илгари 250 та мактабда таълим ўзбек тилида олиб борилган. Бугунга келиб, соф ўзбек тилида ўқитадиган мактаблар сони 20 та. Қолган мактаблар аралаш, яъни рус, қирғиз, ўзбек тили мактабларга айлантирилган. Биринчидан, давлат тилини (қирғиз тили) ўрганишга эҳтиёж ошиши, иккинчидан, аҳолининг турли сабаблар билан чет элга бориши учун рус, инглиз, корей каби тилларни ўрганишга мажбурий зарурат туғилди. Бу эса қирғизистонлик ўзбекларнинг жамиятда ўз она тилида мулоқот қилиш имкониятини чеклади.

Қирғиз ҳукумати ўзбек тили ва адабиёти-ни ривожлантириш учун кўп тили дастур асосида ишлайдиган мактабларни кўпайтириш устида ишламоқда. 1999 йилдан буён Қирғизистонда таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун Б.Сиддиқов номидаги Қирғиз-Ўзбек университети ҳузуридаги дарсликлар яратиш марказида бошланғич ва юқори синфлар учун “Ўзбек тили”, “Ўқиш китоби”, “Ўзбек адабиёти” дарсликлари тайёрлаб келинмоқда. 2023 йил 4 октябрда Ўзбекистон ва Қирғизистон халқаро алоқаларининг 30 йиллиғи муносабати билан Ўш давлат университетида Алишер Навоий номидаги ўзбек тили, адабиёти ва маданияти маркази очилди. Мазкур марказнинг асосий мақсади икки мамлакатнинг олий таълим муассасалари ўртасида ўзбек тили, адабиёти ва маданиятини ривожлантириш бўйича ҳамкорликни кучайтиришдир.

Марказ бугун ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг тарғиботчиси сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, ўтган йили ўзбек ва қирғиз тилларига давлат тили мақоми берилганига 35 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган адабий-муслиқ кеча дўстлик фестивалига айланди. Марказ томонидан ўтказилаётган халқаро илмий-назарий конференциялар, илмий семинарлар, давра суҳбатлари, маҳорат дарслари, талабаларни алмашиш дастурлари ҳам ўзбек тили тарғиботида ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Муножат МҲМИНОВА
тайёрлади

ЎЗГАРИШЛАР ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕКЛАРГА ҲАМ ИЛҲОМ БЕРМОҚДА

Чинакам ўзбек дунёнинг қай нуқтасида истиқомат қилмасин, қалби тўрида она тилига муҳаббат, эъзоз ва фахрланиш мангу қўним топади. Гарчи у ўнлаб тилларда раван гапирса-да, ўз тилида ўй суради, орзу қилади, туш кўради! Шундан маъълум бўладики, тил оддий воқелик эмас, балки илоҳиёт билан боғлиқ бетимсол хилқатдир!

Бугунги суҳбатдошимиз Улуғбек ҚУРБОНТОВ. У Қозғистонда истиқомат қилса-да, ўзбекча фикрлайдиган, она тили учун чин маънодаги жонкуяр, ўзбек тили ўқитувчиси, услубчи.

— Сиз билан она тилимиз ҳақида, ўз тилимизда гаплашаётганимдан бағоят хурсандман! Хуш кўрдик!

— Ташаккур! Ҳазрат Алишер Навоий сўзлашган тили менга насиб этганига шукр дейман!

— Ҳар йили 21 октябрда Ўзбекистонда тил байрами кенг нишонланади. Бу фақат бизнинг мамлакатдаги эмас, балки бутун дунёдаги ўзбеклар учун қувончли кундир. Қўшни Қозғистонда бу сана қандай қарши олинади?

— Ҳа, албатта, бу сана биз учун ҳам муҳим. Чунки тил — миллатнинг руҳи, ўзлигининг ёрқин ифодаси. Ҳар йили 21 октябр арафасида Қозғистондаги ўзбек мактабларида, маданият марказларида, кутубхоналарда турли тадбир, шеърхонлик кечалари, ишшо танловлари ўтказилади. Ўқувчиларимиз ўзбек тилининг гўзаллиги, бойлиги ҳақида чиқишлар қилади. Айниқса, ёшларимизнинг тилга меҳрини кўриб фахрланасиз киши. Бу байрам бизни Ўзбекистон билан боғлаб турувчи энг мустаҳкам ришталардан.

— Қозғистондаги ўзбек мактаб-ида услубчисиз. Айтинг-чи, ҳозир ўзбек мактабларига эҳтиёж даражаси қандай? Уларнинг сони қанча?

— Бугунги кунда Қозғистоннинг биргина Туркистон вилоятида 200 дан ортиқ ўзбек мактаби фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, Жамбил, Сариоғоч вилоятларида ҳам кўплаб ўзбек мактаблари мавжуд. Айримлари тўлиқ ўзбек мактаби бўлса, айримлари аралаш, яъни уларда ўзбек ва қозоқ синфлари мавжуд. Эҳтиёж масаласига келсак, ўзбек аҳолиси кўп яшайдиган ҳудудларда мактабларга талаб юқори. Бизнинг вази-фамиз мавжуд мактаблардаги дарс сифа-тини ошириш, ўқитувчилар малакасини юксалтириш ва дарсликлар билан таъминлашдан иборат.

— “Ватандошлар” жамоат фонди хориждаги ватандошлар ҳаёти, уларнинг таълимига кучли эътибор қаратиб келади. Фонд фаолиятига оид қандай таклифларингиз бор?

— “Ватандошлар” жамоат фонди фаолиятини кузатиб борамиз, албатта. Фонд ташаббуси билан Қозғистондаги ўзбек мактабларига бадий ва ўқув адабиётлар етказиб берилаётгани жуда катта кўмак. Менимча, бундан буён ҳам ҳамкорликни

кенгайтириш зарур. Масалан, ўқитувчилар учун қисқа муддатли онлайн семинарлар, тажриба алмашув дастурларини йўлга қўйиш фойдали бўларди. Шунингдек, ўқувчилар ўртасида ўзбек тили ва адабиёти



бўйича халқаро олимпиадалар ташкил этилса, бу уларни янада руҳлантиради.

— Ўзбекистонда сўнгги йилларда ке-чаётган тил ислохотларига қандай баҳо берасиз?

— Биз бу жараёнларни катта мамну-ният билан кузатамиз. Ўзбекистон Прези-денти томонидан ўзбек тилининг нуфузи ва мақоми мустаҳкамлаш, уни халқаро миқёсда тарғиб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар таҳсинга лойиқ. Янги авлод дарсликлари, электрон платформалар, тилшунослик соҳасидаги илмий тадқиқот-лар — буларнинг бари ўзбек тилининг келажаги порлоқ эканини кўрсатади. Бу ислохотлар хориждаги ўзбек жамоалари учун ҳам илҳом манбаи бўлмоқда.

— Ўзбек тили байрами арафасида ватандошларимизга қандай тилак бил-дирган бўлардингиз?

— Энг аввало, ҳар бир ватандошимиздан сўровим — тилимизни севалик, асрайлик ва фарзандларимизга соф ҳолда ўргатайлик. Чунки тил — миллат юргаи. Қаерда бўл-майлик, ўзбекча сўзлашиб, ўзбекча ўйлаш бизни ягона халқ сифатида бирлаштиради. Байрам барчамизга муборак бўлсин!

Суҳбатдош: Абдурауф ЗОКИРОВ,
“Ватандошлар”
жамоат фонди ходими



2025 йил 21 октябрь, 215-сон

21 октябрь - Ўзбек тили байрами кун

Азиз она тилимсан

(Ҳасида)

О, сен қадим ўзбегимнинг гўзаликка бой тили,
Қарлук, қипчоқ, ўғузимнинг серзавқ, серчирой тили,
Гоҳ "туркий тил" аталганим, гоҳо "чигатой тили",
Минг асрлар оша келган қадим она тилимсан,
Меҳри дилга жондек инган азиз она тилимсан!

Тоғу тошлар бағрига илк битик бўлиб тушдинг сен,
Сўнг сополу ёғочларни мисли гулдек қучдинг сен,
"Авесто"дек сўнг терию қоғозларга кўчдинг сен,
Массагету сақлар суйган сўғдиёна тилимсан,
Кошғарийлар меҳр кўйган азиз она тилимсан!

Ул "Девону луготит турк" бирла тўқдир илигинг,
Саодатга йўллагайдир чин "Қутадғу билиг"инг,
Ҳам "Хибаат ул-ҳақойик"дир Ҳақ йўлида сулугинг,
Рабғузийлар қисса битган соф, халқона тилимсан,
Ҳақиқат деб Ҳаққа етган азиз она тилимсан!

Донғинг кетмиш Босфордан то Олтой, Ҳиндистонгача,
Аҳли Қушон, Эфталиту то Турки Хоқонгача,
Кезиб Ўрхун-Энасойдан мулки Хуросонгача —
Тўмарисдек кўксин керган чин мардона тилимсан,
Широқларга шуур берган азиз она тилимсан!

Сен — Лутфию Атоийлар лутфида кўз очган нур,
Мир Алишер қаламида қайта сайқал топган дур,
Мирзо Бобур бобом сенга шохона тўн ёпгандур,
Шоҳлари ҳам шохбайт битган чин шохона тилимсан,
Пешонамга Аллоҳ битган азиз она тилимсан.

Огаҳийдек огоҳ этдинг элни ёвлар қаҳридан,
Оташ бўлиб отилдинг сен шох Машрабнинг қалбидан,
Мукимно Фуқрат бўлиб сўз очдинг эл дардидан,
Гулханидан нур таралган баҳшиёна тилимсан,
"Зарбулмасал"лар яралган азиз она тилимсан!

Беҳбудию Қодирийлар кечди сен деб жонидан,
Чўлпонларинг тушди сен деб хатто ўз осмонидан,
Меросдирсан Авлониждан, ҳам Мунавварқоридан,
Сен — Фитратсан, Туроним деб бағри тилим-тилимсан,
Гоҳ онамдек кўз ёш тўккан азиз она тилимсан!

Баъзан сендан айирмоқчи бўлди бизни нокаслар,
Ўзлигини унутган ул манкурт, бенаво каслар,
Лек ўзлари йўқлик сари учди ўшал хор-хаслар,
Зафар қуниб қулиб турган голибона тилимсан,
Бошига бахт қуши кўнган азиз она тилимсан!

Энди давлат тилидирсан, дуру ҳикмат тилисан,
Истиклолдан бахти қулган буюк миллат тилисан,
Бош Қомусда қадр топган шону шавкат тилисан,
Элимнинг жон дилидирсан, менинг-да жон дилимсан,
Дилимнинг жон гулидирсан, азиз она тилимсан!

Сен шундайин бир боғсанки, сўлмагайсан то абад,
Қуёшдаин боқийдирсан, сўлмагайсан то абад,
Ўзбек тилим, ўлмагайсан, ўлмагайсан то абад,
Келажагу эртаси бор, сен яқдона тилимсан,
Чин мангуликка дахлдор азиз она тилимсан.

Азиз Ватан кучоғида юксак эрур парвозинг,
Жаҳон аяқовлари узра янграгай ҳур овозинг,
Зикриллоҳ ҳам неъматдир берган янғроқ бу созинг,
Қадди баланд, қадри баланд, чин шарқона тилимсан,
Бахти қуёшдек сарбаланд азиз она тилимсан!

Зикрилла НЕЪМАТ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
"Дўстлик" ордени соҳиб

Китоб инсон маънавиятини бойитувчи, тилни ривожлантирувчи, қалбга жон бахш этувчи бебаҳо манбадир. Китоб ўқиш орқали нафақат билим ва тафаккур доирамиз кенгайди, балки она тилимизга муҳаббат ҳам кучаяди. Зеро, ўқиган асарларимиз асносида тилимиз нафосатини, сўзлар жозибасини, ифода бойлигини теранроқ англаб етамиз.

ҚАЛБЛАРГА ЖОН БАХШ ЭТУВЧИ МАНБА

Китоблар инсонни сўз қудратини англашга, фикрни гўзал ифода этишга ўргатади, мутолаа қилиш орқали тилимиз софлиги сақланади, ривожланади, маънолар кенглиги юракдан ҳис этилади. Бадий асарлар, шеърлар, илмий китоблар тилинг тури қатламларини очиб беради, фикрлаш маданиятини юксалтириб, нутқни раво ва таъсирчан қилади. Шу маънода, китоблар нафақат илм ва маърифат манбаи, балки она тилимизнинг асл гўзаллигини англашувчи оламга элтадиган дарвоза ҳамдир.

КўНГИЛ ҚУЛФИНИНГ ҲИКМАТ ВА ИБРАТ КАЛИТИ

Муслихиддин МУҲИДИНОВ,
Самарқанд давлат университети профессори,
"Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси:

— Китоб ўқимаган инсон тилимизнинг бекиёслигини, бебаҳолигини англаб етмайди. Сўз бойлигидан маҳрум бўлади, сўзсиз эса фикр сўнади, фикрсиз тилинг жонлигини йўқолади. Ҳар бир сўз тарихнинг бир парчаси, авлодлар қалбидан ўтган илтижодир. Аммо бу сўзлар ўз қудратини, ўз жозибасини фақатгина китоблар орқалигина сақлайди. Китобни арақлар эканамиз, гўё она тилимиз билан нозма-юз сўхбат қураамиз. Ҳар бир ибора қалбимизга нур сочади, ҳар бир сатр она тилимизнинг бекиёс гўзаллигини ҳис эттиради.

Тури зиддиклар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, бўш вақтини мазмунли ўтказишда уларни китоб ўқишга жалб қилиш керак. Китоб ўқиган йигит-қизлар ҳеч қачон она тилини бузиб, бегона сўзларни қўлиб гапирмайди. Аслида, бугунги ёшлар ҳар томонлама илмга чанқоқ, иқтидорли ва изланувчан. Кўп ҳолларда ёшларни китоб ўқимасликда, она тилини бузиб талаффуз қилишда айбалаймиз. Аммо баъзи мутаассадилар, катта-катта иншоотлар, турли биноларни қураётганлар, ресторан ва кафе-лари билан оламга машҳур бўлиш дардида мижоз чакраётганлар миллий тилимизга ҳурмат ва эҳтиром билан қарашни билмаслиги аянчи.

Осмон билан бўйлашган айрим маҳобатли бинолардаги жимжимдор ёзувлар хориқ тилларида ёки саводсизлик билан ёзилиши ҳам ачинарли манзара. Ўзбекистонга келган сайёҳларнинг таржимони бўлади, лозим пайти ўқиб, уқиб олаверадилар. Ўз тилимизни ўзимиз қадрламасак, бошқалар қаердан ҳам қадрласин? Президентимиз энг юқори халқроқ минбарлардан тилимизда нутқ сўзлайди. Бу нимадан далолат? Тили, элга эътибордан эмасми? Аммо нега баъзилар шу юртда яшаб туриб, ўз-лигидан кечади?

Нотўғри ёзувлар нафақат кўча-кўйда, балки телевизор экранлари орқали узатилаётган рекламаларда, муаллифлик кўрсатувларида ҳам авж олса оляптики, камаймаётгани ҳақида кўп айтиллапти, бонг уриллапти. Нафис. Фожия шундаки, бу миллий манкуртлик, дийдаси бегона ватадошларимиз сафи ортишига сабаб бўляпти.



Бутун ҳаётини илмга, ёшлар тарбиясига бағишлаган бир олим сифатида китоб ўқишни тарғиб қилишга маънавий ҳаққим бор деб ўйлайман. Мутлоаа орқали тил софлигига эришамиз, унинг бузилишига йўл қўймайиз. "Салом малейкум" эмас, "ассалом алайкум" дейишни одат қиламиз. Бунинг учун катталар кўпроқ китоб ўқиши лозим. Оила ташвиши, рўзгор камчилиги, ишни баҳона қилмай, қўлидаги телефонига кўп термилмай, китоб ўқишни одат қилиши керак. Ўшанда у боласини ҳам, неварасини ҳам маънавий юксакликка чақирган бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан китобхонлик, ёшларни китобга ошно қилиш бўйича бир қанча ҳужжатлар имзоланди. Булар орқали катта натижаларга эришамиз ҳам. Чекка бир қишлоқ болалари китоб ўқиб, онгу шуурини кенгайтириб, улкан муваффақиятларни қўлга киритяпти. Булар билан қанча фахрлансак оз. Аммо, юқорида айтганимдек, пули бору савияси ёки ўзи маънан қашшоқ бўлган баъзи юртдошларимиз туйғайли миллий тилимиз раволигига путур етляпти. Улар ҳам китоб ўқиганида она тилимиз борасида жон қойитиш кўникмаларини ҳосил қилган бўлар эди.

Байрам арафасида тил ҳақида, китоблар ҳақида чиқишлар қиламиз, тадбирлар ўтказамиз. Аслида, бундай ишларни доимий равишда, муттасил йўлга қўйиш керак. Китоб тилинг энг содиқ ҳимоячиси, шу орқали сўзлар тартиқлик касб этади, маънолар янгича тус олади. Китоб ўқиш нафақат билим, балки она тилига муҳаббатни ифода этишдир. Сўзлар саҳифасида яшовчи миллатнинг юраги тилидир.

Ҳазрат Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида таърифлаганидек, "Кўнгул маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзанининг қалитин сўз бил". Демак, биз она тилимизни ватан сиймосида халқимиз шуурига жойлаш учун қалбдан тафаккурга қадар уларнинг кўнгул мулкани ўз тилида ёзилган, айтилган буюк сўзлар билан бойитишимиз лозим. Токи миллатнинг сўзи ҳар бир кўнгул қулфини оча оладиган ҳикмат ва ибрат қалити бўлсин.

Давлатимиз раҳбарининг "Она тилимиз миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас бўлигидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир", деган сўзлари ўзини шу юртнинг фуқароси деб билган ҳар бир инсон қалбидан мустаҳкам жой олсин!

МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ

Шоира АҲМЕДОВА,
Осиё халқроқ университети профессори, филология фанлари доктори:

Давлат тилида миллат руҳи, қалби, ҳаёти, бор бойлиги акс этади. Миллий тил ривожини миллат тараққиётининг асосий шартларидан биридир. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 20 октябрдаги "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳам ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Давлат тилига эътибор сиёсат даражасига кўтарилишига қарамай, баъзи ҳолларда давлат тили тўғрисидаги ҳужжатлар ижроси жойларда етарлича таъминланмаётганига гувоҳ бўламиз. Бунга, аввало, миллий тилга бепарволигимиз сабаб. Шундай экан, глобаллашув даврида она тилимизни бойитиш, нуфузини кўтаришга барчамиз масъулмиз.

Ҳазрат Алишер Навоий "Муҳокама-ул-лугатайн"да бундай ёзади: "Уч навъ тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборот гавҳари билан қойилнинг адосига зевар ва ҳар қайсининг фуруғи бағоят кўндур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншайдур". Демак, бизнинг она тилимиз жуذا кўп тилларнинг келиб чиқишига асос бўлган ва қадим, бой тилларданки, биз бундан фахрланмишимиз, уни бойитиш йўлида ҳаракат қилмоғимиз зарур.

Ёки Абдурауф Фитратнинг XX аср бошларида "Дунёдаги энг бой тил бу туркчадур, дунёдаги энг бахтсиз тил бу туркчадур", дея бонг урганини эсдан чиқармайлик. Биз шундай бебаҳо тилимизни баъзи ҳолларда беқадр қилиб қўйяпмиз. Фарзанд ва невараларимизни хорижий тиллар мактабига берамиз, тил ўргансин деймиз. Албатта, бу яхши. Лекин уларни тил воситаси орқали миллий қадриятларимизни қадрлашга ҳам ўргатиб боришимиз керак.

Бунинг учун келажақ авлод қўлига ёшига мос, ўзбекиона қарашларимиз уфуриб турган бадий китобларни тутқазиб, меҳр билан тавсия қилишимиз керак. Китоб ўқимаган одам ҳаётини эҳтиёжларини қондиришдан нарига ўта олмайди, яшашдан мақсад ана шу деб билади.



Бугун яна бир ачинарли ҳолат пайдо бўляптики, айрим ўзбек оилалари фарзандларига хорижий исмлар қўйишни одат тусига айлантиряпти. Тўғри, ҳозир ақсар ёшлар чет тилини ўрганишга ҳаракат қиялпти, бу давр талаби. Ўзим ҳам тил ўрганиш тарафдориман, шу ёшда менда ҳам бирорта чет тилини ўрганиш истаги йўқ эмас. Чунки аждодларимиз кўп тилларни билган. Аммо авлодлар аждодларимиз анъаналарини қай даражада давом эттиряпти? Бошқа тилларни ўзлаштирган, мукаммал ўрганган ҳолда давлат тилининг аслини, софлигини сақлашга ҳаракат қиялптими?

Балки, энг аввало, болалар боғчасидан ўзбекиона тарбияни бошлашимиз зарурдир. Уларга фақат монитор орқали ёшига мос кўрсатувлар, ўйинлар, мультфильмлар кўрсатиш баробарида китобдан улуг аждодларимиз ва бугунги миллат фидойилари ҳақида ўқиб берайлик, замонавий эртақ тарзида уларнинг қахрамонликлари ҳақида айтилайлик. Токи жажжи авлод тасавурида ўзбек паҳлавонлари, мардлари, тўмарисларига ўхшаб камолга етиш истаги шаклланди, ҳаваси ортиб борсин. Ўз даври фидойилари ҳақида кенг тушунчага эга бўлсин.

Зиёларни бирлашиб, мактабгача таълим дастурларини миллийлаштирайлик, миллий, ўзбекиона қадриятларимизни, миллий тилимизни бутун гўзаллиги билан улар онгига, қалбига синдиришни бошлайлик. Бунинг учун нафақат тилшунос олимлар, мутахассислар, балки ҳар бир зиёли, ўзини шу миллатнинг вақили деб билган ҳар бир инсон ватан, миллат, она тили олдидаги бурчини, масъулиятини чуқур ҳис этиши керак.

Сўз бошини этдик обод

Сенсан асал, қаймоғим, менинг уруғ-аймоғим,
Ярашгандир сен билан дунёга сўз айтоғим,
Сенинг билан келганман, сенинг билан қайтмоғим,
Миллатнинг минбардаги юзисан, она тилим,
Янги Ўзбекистоннинг сўзисан, она тилим.

"Чала", "ёнбош", "ҳалол"ни дунё талаффуз қилур,
Сайраб турган хорижлик бир оз танаффус қилур,
Сени ўрганмаганлар бир бора афсус қилур,
Ўғзуз Энасойнинг изисан, она тилим,
Янги Ўзбекистоннинг сўзисан, она тилим.

Сени қашшоқ деганнинг ўзи қашшоқ бўлгандир,
Ҳар ерда отарчию чала машшоқ бўлгандир,
Ўз тилин йўқотмаган ўзига шох бўлгандир,
Танамнинг сўнгги охи, бўғзисан, она тилим,
Янги Ўзбекистоннинг сўзисан, она тилим.

Навоийни ёд этдик, сўз боғин обод этдик,
Боболар улугларча мунаввар йўлдан кетдик,
Пешонамиз ярқираб, бизлар муродга етдик,
Мен топган хазинанинг ўзисан, она тилим,
Янги Ўзбекистоннинг сўзисан, она тилим.

Ашуралӣ БОЙМУРОД

МУТОЛАА ТАРИХНИ ТАНИТИВ, ЎЗЛИКНИ ЎРГАТАДИ

Зиёда БЕКБЕРГЕНОВА,
Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти қорақалпоқ адабиёт бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор:

— Янги Ўзбекистонда китоб ва китобхонлиқни ривожлантириш, ўзбек тилининг нуфузини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий тил ўзлимиз кўзгуси бўлса, ўқиган китобларимиз қалбимиз аксини ифода этувчи маънавият шўъласидир. Китоб ўқиган ҳар бир инсон ўз қадриятлари, тили, тарихига эътиборли бўлади, чунки тил, тарих, адабиёт миллий ғурур эканини яхши билади. Шунинг учун она тилимиз бекиёслигини ўқиган китобларимиз орқалигина англаб етамиз. Иккинсини айро тушуниш асло мумкин эмас.

Лекин ёш авлодни мажбурлаб, буни ўқи дея қўлига китоб тутқазин ҳам жонз эмас. Мажбурланган таълим ҳам, тарбия ҳам ёшлар онгига қарши таъсир этади. Сўнгги йилларда китобхонлик ва китоб тарғиботи бўйича чиқарилган ҳаётбахш ҳужжатлар ижобий самарасини кўрсатяптики, бунинг натижасида бугунги кун ёшларининг кўпчилиги китобхон. Аммо жамиятимизда китобдан айро яшаётган оилалар ҳам кўп. Аксарияти



яшаш шароитидан келиб чиқиб, вақти йўқ, баъзилари эса китоб ўқишни эскилик сарқити деб билади. Интернет, ижтимоий тармоқ бор-ку дейди. Айнан ўша тоифадагилар тилимизга ҳам бепасанд қарайди, атайлаб бузиб сўзлайди. Шу заминда яшаб туриб, ўз тилидан ор қилаётгандай тутуди ўзини. Туриш-турмуши замонавийликдан иборат эмши. Бизлар эса индамаймиз, "сен менга тегма, мен сенга гапирмайин" тарзида яшашни одат қилганмиз.

"Эй барака топгур болам, оғзингдаги сақичини ол, кўзингдаги қора кўзойнақини еч, баланд овозда, яна ўз она тилингни бузиб таллашяпсан, сал ўзингни йиғиштириб ол, сен автобўсада, метрода, жамоат жойида кетяпсан, ўзингни ҳурмат қилмасанг ҳам ўзбексан-ку, тилингни ва атрофингдаги одамларни ҳурмат қил", деймаймиз, дея оламаяқимиз! Кўриб кўрмаганга, эшитиб эшитмаганга олиб кетаверамиз. Кейин эса ҳозирги ёшлар китоб ўқимайди, одоби яхшима, кийиниш маданияти гарбга хос, ўзбек тилини бузиб гапирди, она тилига бепасанд қарайди деб ёзғираб юрамин. Давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини тафаккуримизга мустаҳкам жойлаб олишимиз мақсадга мувофиқ: "Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур. Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан синдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукаммал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи болаларимиз ўзбек тилида равоқ ўқийдиган, равоқ ёзганди ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин".

Китоб халқ маънавий меросини сақлаб, ўтмишни бугун ва келажақ билан боғлайдиган бекиёс манба бўлса, тил миллатнинг ўзлигини, қадриятларини ва инсон ҳамда жамият муносабатларини ифода этувчи воситадир. Энг муҳими, китоб мутлоасини инсонда она тилига нисбатан муҳаббат туйғусини кучайтиради. Адиб Асқад Мухтор таъкидлаганидек: "Ҳамма гап қандай китобни ва нима учун ўқишда". Ҳақиқатан, мутлоаа орқали тил сеҳрини англаш, сўзнинг қудратини ҳис қилиш мумкин.

Азиз замондош, фақат китобларга меҳр қўйибгина тил сеҳрини тинирок ўйлаб, ҳис қила олиш мумкин. Асар қайси тилда ёзилган бўлмасин, ўша элнинг тарихи, табиати, тафаккури, анъаналари, нафаси ва тафтини беради. Янги Ўзбекистонда ўзбек тили миллий ўзлик, маънавий бойлик, китоб ва китобхонлик буюк қадрият сифатида баҳоланар экан, она тилимизни асраб, кўнглимизни эзгулик нури билан илтидиган китобларни ўқишда давом этаверамиз. Зеро, китоб тилини сақловчи ва ривожлантирувчи жонбахш манба, маънавият кўпригидир.

Гулиҷехра ДУРДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдилар.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер маъказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046.
34751 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғозидинов
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрхисаб кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 00:15 Топширилди — 00:20

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05